

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТАЖИБАЕВА ЛАЙЛО РУСТАМОВНА

**ВОДИЙ ШАРОИТИДА ЎПКАНИНГ СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ
КАСАЛЛИГИНИ ТАРҚАЛИШИ, ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ
ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ТИББИЙ – ЭКОЛОГИК ИЛМИЙ
АСОСЛАРИ**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2023 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Тажибаева Лайло Рустамовна

Водий шароитида ўпканинг сурункали обструктив касаллигини тарқалиши, фармакоэпидемиологияси ва профилактикасининг тиббий-экологик илмий асослари 5

Тажибаева Лайло Рустамовна

Медико-экологические научные основы распространения, фармакоэпидемиологии и профилактики хронической обструктивной болезни легких в условиях Ферганской долины 26

Tazhibaeva Laylo Rustamovna

Medical and ecological scientific foundations of the spread, pharmacoepidemiology and prevention of chronic obstructive pulmonary disease in the conditions of the Fergana Valley..... 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 54

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.95.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТАЖИБАЕВА ЛАЙЛО РУСТАМОВНА

**ВОДИЙ ШАРОИТИДА ЎПКАНИНГ СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ
КАСАЛЛИГИНИ ТАРҚАЛИШИ, ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ
ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ТИББИЙ – ЭКОЛОГИК ИЛМИЙ
АСОСЛАРИ**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2023 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2988 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (info@adti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мамасолиев Немагжон Солиевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Салоҳиддинов Зухридин Салоҳидинович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Зоҳидова Машхура Зияматовна
тиббиёт фанлари доктори.

Етакчи ташкилот: **Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/04.03.2022.Tib.95.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023- йил «___» _____ соат _____⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти мажлислар зали).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ тарқатилди.
(2023- йил «___» _____ даги рақамли реестр баённомаси).

Х.Х. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.З. Мамарасулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.Р. Узбекова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертацияси мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўпканинг сурункали обструктив касаллиги бўйича эпидемиологик шароитлар ва экологик вазиятлар кескин ўзгарди. Буни ҳисобга олиб мувофиқ профилактика ва даволаш амалиётини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда ўзгартириб бориш дунё фани учун, жумладан, Ўзбекистоннинг ўзгариб бораётган иқлимий – экологик ва тиббий шароитида ҳам - эҳтиёж, зарурият ва долзарб мавзу ҳисобланади¹. ХХI аснинг иккинчи декадасида амалга оширилган эпидемиологик, клиник ва фундаменталь тадқиқотларда айнан шундай мазмунли хулосалар қилинган ва эътироф этилган². Улар ЎСОК ҳақидаги илмий, амалий, ижтимоий, иқтисодий, экологик ва тиббий – профилактик мавжуд тасаввурларни сезиларли кенгайтди. Хусусан, касалликнинг узоқ муддатли чўзилиб кетиши энг кам клиник кўриниш билан давом этади. Натижада ЎСОК кеч, маълум даражада умуман орқага қайтариб бўлмас – асоратланишлар босқичида ташхисланади. Бу вазиятда касалликда кўлланиладиган тиббий ёрдам кескин қимматлашади ва иккинчидан, уларнинг самараси йўқолишгача етиб бориб камаяди ва/ёки ҳавф туғдира бошлайди.

Жаҳонда ЎСОКни барвақт аниқлашга қаратилган ва унинг замонавий хатар омилларини, патогенетик йўлини ажратишга мақсадлаштирилган эпидемиологик тадқиқотларни амалга ошириш ва камчиқимли, самарали профилактика – даволаш дастурларини яратиш жаҳон миқёсида, хусусан, Ўзбекистонда ва унинг ҳудудларида ҳам устувор илмий йўналиш ҳисобланади. Шу боис расмий статистика маълумотлари бўйича хулоса қилинадиган бўлса ҳам ЎСОКнинг глобал муаммога айланиб давом этаётганлиги аён бўлади: касалликни тарқалиш частотаси турли суръатларда то 26,6% етиб нотекис қайд қилинади ва 2030 йилгача ундан бўладиган талофатлар фақат ўсиб боради; ҳар йили ЎСОКдан 2,75 млн киши вафот этади, барча ўлимларни 4,8%ни ташкил қилади ва дунёда ўлим сабабчиси сифатида 3чи етакчи ўринни эгаллайди; иқтисодий харажатлар кўлами бўйича ўпка ракидан кейин 2чи ўринни ЎСОК эгаллайди ва/ёки йилига 1522 долларга этади, ERS маълумотларига кўра эса унинг йиллик баҳоси 38,4 млрд. еврога (EUR) баҳоланади.

Мамлакатимизда махсус эпидемиологик тадқиқотларда бу рақамлар бир неча баробарга юқори бўлиши ҳам мумкин. Бундан эпидемиологик кўрсаткичларни ва биомаркерларни (“хабарчи хатар омилларини”) ЎСОКни эрта аниқлаш ва бартарафлаб туришда қанчалик муҳимлиги маълум бўлади, қайсиларки касалликка муносабат билдиришнинг янги тизимини ва стратегиясини белгилашда таянч илмий манба бўлиб хизмат қилишади. Бу

¹ European Medicines Agency [EMA]. Committee for Medical Products for Human Use (CHMP). International nonproprietary name: beclomethasone dipropionate/formoterol fumarate dehydrate/glucopyrronium. Assessment report 2018. Procure No. EMEA/H/C 004257/II/002. Available at: <https://www.etaeuropa.eu/en/documents/variation-report/trimbow-h-c-4257-ii-002-epar-assessment-report-variationen.pdf> [Accessed: February 11, 2021].

² WHO. The top 10 causes of death. Available at: <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/the-top-10-causes-of-death> [Accessed: July 21, 2020].

йўналишда ЎСОКнинг замонавий аҳоли популяциясида эпидемиологик моделини яратиш ва даволаш – профилактикасининг мувофиқ дастурини ишлаб чиқиш учун мақсадли тадқиқотларни амалга ошириш даркор бўлади.

Диссертация иши айнан шу вазифаларни бажарилишида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ – 4891 – сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора – тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ – 60 сон «2022 – 2026 йилларга мўжжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги қарорларини, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ – 6110 – сон «Бирламчи тиббий – санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора – тадбирлари» тўғрисидаги фармонида таъкидланиб кўрсатилган мамлакат фони учун етакчи вазифаларни амалга оширишда хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналиши “Тиббиёт ва фармакология”га мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

ЎСОК муаммосини тобора чуқурлашиб кўпаётганлиги яна шу билан тушунтирилади-ки, самарали фармакотерапия бўлишига қарамасдан то хозирги вақтгача уни тўлиқ назоратга олиш ўта паст даражада қолмоқда [COLD – 2021, Single – Inhaler Triple Therapy – SITT тадқиқоти, 2018 йил; TRILOGY, 2016 йил; KRONOS тадқиқоти, 2018 йил; FULEIL тадқиқоти, 2017 йил; St. George`s Respiratory Questionnaire – SGRQ тадқиқоти, 2018; Pharmacovigilance Risk Assesment Commitee – PRAC EMA тадқиқоти, 2021 йил; EPAR (European Public Assesment Report) тадқиқоти, 2018 йил; IMPACT тадқиқоти, 2021 йил; TRIBUTE тадқиқоти, 2020 йил; TRIBUTE тадқиқоти, 2018 йил; ETHOS тадқиқоти, 2021 йил; TORCH тадқиқоти, 2020 йил; SUMMITT тадқиқоти, 2020 йил; INTREPID тадқиқоти, 2020 йил].

Замонавий вазият эпидемиологик тадқиқотлар кўламини нафақат оширишни, балки унинг замонавий йўналишларини тиббий – экологик фармаконадзорат, фармакоэпидемиология, фармакоиктисодиёт, ва фаол профилактика (дорили ва дорисиз) томон такомиллаштириб ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунинг учун исботий маълумотлар ва асослар илмий тадқиқотларда келтирилади: охирги 56 йилда ЎСОКдан аҳоли ўлими 3,3 баробардан (эркакларда) то 15 баробаргача (аёлларда) ортган (DALY, 2020); жами ЎСОКни фақат 25,0% ўз вақтида аниқланади (ИБЕЯРОС, 2000); ЎСОКнинг хос клиник аломатлари фақат 27,0% га етиб бошланиш босқичида намоён бўлади ва беморни ҳаёт сифати сезиларли даражада бузилмайди; шу боис кучли ва мувофиқ профилактика, диспансеризация ҳамда “нишонли” фармакотерапия ўтказилмайди, касалликка оғир босқичларидагина тўғри ташхис қўйилади; натижада амалиётда ЎСОКнинг клиник ифодаланган

босқичларидаги тарқалиши частоталари ҳисобга олинади холос ёки касалликнинг чин сони аниқланмай қолади; шу сабабли, айрим йирик ва тиббиёти ривожланган мамлакатларда ҳам ҳар бир ўн биринчи ЎСОК статистика ҳисоботларига киритилмай эътибордан четда қолади ва ёки ЎСОКнинг аҳоли орасида чин тарқалиш частотаси ҳозиргача номаълум қолмоқда (Чучалин А.Г., Айсанов З.Р., авдеев С.Н. ва б.).

Мамлакатимизда ҳам тобора мураккаблашиб бориши прогноз қилинаётган эковазиятдан келиб чиқиб экоэпидемиологик илмий тадқиқотни амалга ошириш, истиқболли ва натижа бериши мумкин бўлган профилактик йўналиш ҳисобланади. Шу йўл билан ЎСОКни касаллик олди босқичида барвақт аниқлаш ва ёки прогнозлаш ҳамда ҳавф гуруҳидаги аҳолига тиббий ёрдамни (профилактик дастурларни, фармаконадзоратни кучайтиришни) сифатли ва самарали олиб киришга эришилади.

БАга нисбатан эпидемиологик вазият кескинлигича қолмоқда. Чунончи, Тошкент шаҳри мисолида: 1) 20,7% эркактар ва 10,7% аёлларда орқага қайтариб бўлмайдиган даражадаги оғир астма қайд этилган; 2) 81,6% ҳолатда оғир кечувчи БА ўз вақтида ташхисланмайди; 3) касаллик узоқ давом этганлиги сабабли ҳар 10,6 йилда оғир астма шаклланиш ҳавфи кучаяди; 4) касалликнинг кеч ташхисланиши тиббий ёрдам сифатининг пасайишига сабаб бўлади (Нарзуллаева Н.А., 2001). Тошкент шаҳрида 18 йил олдин аниқланган ушбу ҳолат Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам ўз тасдиғини топган (Ганиев Б.С., 2022). Хусусан, Андижон иқлимий шароитида амалга оширилган клиник-метеорологик текширувда ёш ортиши билан астманинг оғир шаклга ўтиши 30% ни ташкил этиши ҳамда бу кўрсаткич бугунги кунда 10 баробар ортганлиги, бунга, асосан, метеоомиларнинг номақбул тус олиб кучайиши сабаб эканлиги исботланган. Бундан ташқари астманинг оғир шаклини эрта аниқлаш учун эпидемиологик ва профилактик тадқиқотларга мунтазам муурожаат қилиниши кераклиги таъкидланган (Шокиров Ш.Т., 2006). Ҳозирги даврда келиб муаммонинг катта ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти, ЎСОК билан боғлиқ талофотларни барқарор ўсиш тенденциясини сақланиб қолаётганлиги ва ушбу хасталикнинг ҳудудларда ривожланишга таъсир этувчи янги хатар омилларини аниқлаш зурурлиги туғилганлиги мазкур тадқиқотни режалаштирилишига тўртки бўлди. Ушбу комплекс экоэпидемиологик ва проспектив (10 йиллик) фармакоскринингли мониторинга асосланган тадқиқотимизни мақсадга мувофиқ ва замонавий, Ўзбекистон фани ва тиббий амалиёти учун эҳтиёж ва заруриятга айланган устувор илмий мавзу деб асосланишига зикр этилганлар асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 012000273 «Ўзбекистоннинг турли минтақаларида сурункали ноинфекцион касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш» (2020-2024 йй.) лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона водийси шароитида ўпканинг сурункали обструктив касаллигини тарқалиши, фармакоэпидемиологияси ва профилактикасининг тиббий – экологик илмий асосларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарғона водийси шароитида ўпканинг сурункали обструктив касаллигини эпидемиологик тавсифи ва унинг 10 – йиллик ўзгариб бориш тенденциясини аниқлаш ва баҳолаш;

водийнинг иқлимий – экологик шароитида ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг ташқи ва ички хатар омилларининг тарқалишини аниқлаш ва баҳолаш;

ўпканинг сурункали обструктив касаллигини хатар омилларига боғлиқлиги даражасининг кўп йиллик тенденциясини ўрганиш ва ҳудудий устуворлик қилувчи омилларини аниқлаш;

проспектив экоэпидемиологик тадқиқотда ўпканинг сурункали обструктив касаллигини ривожланиши ва асоратланиши билан замонавий маҳаллий саноат ишлаб чиқаришнинг зарарли омиллари (ноорганик, органик ва биологик табиатли) орасидаги боғланишликни аниқлаш ва баҳолаш;

водий шароитида ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг фармакоэпидемиологиясини ўрганиш ва фармаконадзорат тизимини амалиётга тадбиқ этиш;

водий шароитида ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг тиббий - экологик картографиясини ишлаб чиқиш ва амалий фаолиятига тадбиқ этиш;

водий шароитида ўпканинг сурункали обструктив касаллигини барвақт аниқлаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштирилган алгоритминини ишлаб чиқиш ва амалиётга тавсия қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийсининг Андижон ва Наманган вилоятидаги шифохоналарга ётқизилган 18 ёшдан 90 ёшгача бўлган 2760 та ЎСОК билан аҳоли популяцияси олинган (эркаклар – 1378 та ва аёллар 1382 та).

Тадқиқотнинг предмети сифатида комплекс проспектив экоэпидемиологик тадқиқот ва кўп йиллик фармакоскрининг натижаларини таҳлил қилиш билан водий шароитида ЎСОКни барвақт аниқлаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштиришга, алгоритминини ишлаб чиқишга ва амалиётга тавсия қилишга оид материаллар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишининг мақсадига етишиш мақсадида ва унда қўйилган вазифаларни бажариш учун, сўровномали, эпидемиологик, клиник, биохимик, фармакоэпидемиологик, инструментал, махсус функционал ва статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бора кўп йиллик проспектив эпидемиологик тадқиқотда ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг эпидемиологик тавсифлари ўрганилди

ва водий шароитида касаллик шаклланишининг ҳудудий механизмлари исботлаб берилди;

илк бора 10 йиллик эпидемиологик мониторингда ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг ташқи ва ички хатар омиллари ўрганилди, ўзгариб бориши тенденцияларини Фарғона водийси шароитидаги ажралиб турадиган қирралари аниқланди ва баҳоланди;

илк бора Фарғона водийсининг экологик тафсилотини ҳисобга олиб ўпканинг сурункали обструктив касаллигини хатар омилларига боғлиқлиги даражалари ўрганилди ва унинг ҳудудий устуворлик қилувчи “кучли”, “ўртача” ва “паст” даражада таъсирини ўтказувчи эпидемиологик патоген шароитлари аниқланди ҳамда баҳоланди;

илк бора проспектив экоэпидемиологик тадқиқотда ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг келиб чиқиши ва авжланиб бориб асоратланишини маҳаллий саноат ишлаб чиқаришнинг ноорганик, органик ва биологик табиатли зарарли (хатар) омилларига боғлиқлиги ўрганилди баҳоланди ва аниқланди;

илк бора тадқиқотда Фарғона водийси учун ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг тиббий – экологик картографияси яратилди;

илк бора водий шароитида кўп йиллик фармакоскрининг усули қўлланилди ва ўпканинг сурункали обструктив касаллигини фармакоэпидемиологияси ўрганилди ҳамда самарали фармакозорат тизими ишлаб чиқилди;

илк бора Фарғона водийси шароитида ўпканинг сурункали обструктив касаллигини барвақт аниқлаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштирилган алгоритми ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишнинг натижалари ва улар асосида яратилган ишланмалари, тавсиялари тиббиётнинг барча бўғинларига кенг фойдаланиш учун тавсия этилган;

амалий фаолият учун ўпканинг сурункали обструктив касаллигини мониторингини таъминлаб берувчи эпидемиологик ва экологик тизим тавсия қилинди. Тизим камчиқимли, хавфсиз ва юқори самарали тиббий хизматни кескин кучайтиради;

фармакоэпидемиологик мониторинг тизими амалий тиббиётга тавсия қилинди: бу, ЎСОК билан беморларда ҳаёт тарзи сифатини яхшилайти, фармакотерапия самарасини кескин оширади;

экологик – эпидемиологик мониторинг тизимини мунтазам ишлашини таъминловчи тавсиялар мажмуаси амалий фаолиятга киритилди. Бу маҳаллий ва давлат миқёсида ЎСОКнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикасини масарадорлигини кескин оширади, махсус ҳудудий дастурларни амалга ошириш учун имкониятлар туғдиради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда қўлланилган профилактик ёндашув ва усуллар, амалга оширилган тадқиқотнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги ва услубий жиҳатдан рақобатдошлигини халқаро миқёсда таъминланганлиги, объектни ва материалларни етарли ҳажмда

олинганлиги, фойдаланилган усулларнинг замонавийлиги, ўзаро узвийлаштирилган скрининг – сўровномали, клиник, биохимик, инструментал ва функционал (махсус) ҳамда статистик таҳлил усулларни қўлланилганлиги, географияси қўламли тажрибалар ва натижалар билан қиёсланиб баҳоланганлиги, хулоса ва аниқланган илмий натижаларнинг ваколатли муассасалар/тизилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти олинган тавсиялар, хулосалар ҳамда таклиф қилинган ишланмалар назарий аҳамиятга эга бўлиб ЎСОКни аҳоли орасида барвақт аниқлаш ва беморларда тиббий – ижтимоий – иқтисодий йўқотишларни камайтиришга имкон берганлиги, касалликнинг тиббий – экологик картографияси яратиб берилганлиги, ЎСОКнинг фармакоэпидемиологик ва фармаконадзорат скрининги тизимини яратиб бергани ва ушбу жаият ҳамда замонавий тиббиётнинг “оғир юки” бўлган касалликни барвақт аниқлаш, даволаш ҳамда профилактикасини такомиллаштирилган алгоритминини ишлаб чиқиб тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Диссертация ишининг натижалари қуйидаги даражада тиббий, иқтисодиёт ва ижтимоий самарадорликни олиш имконини беради: 1) ЎСОК континууми билан боғлиқ талофотлар (бевақт ўлим, касалхонага қайта – қайта тушиш, давомли даволаш, ногирон бўлиб қолиш, профессионал касбни йўқотиш) 3 баробаргача камаяди; 2) ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг бошланғич босқичида аниқланиш частотаси ва асоратланишларининг олдини олиш даражаси 73,0 %гача етиб ортади; 3) меҳнат қобилиятининг йўқотмасдан яшаш даражаси беморларда 25,0 %га етиб ортади; 4) охириги йилларда қайд этилаётган ЎСОКнинг “негизли фармакотерапияси”нинг ятроген хавфи беморларда 100,0 %га етиб барҳам топади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг барвақт аниқлаш, олдини олиш ва мувофиқ даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

1 – ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Илмий янгиликнинг моҳияти: проспектив эпидемиологик тадқиқотда ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг эпидемиологик тавсифи ўрганилган, бунинг натижасида Фарғона водийси шароитида ушбу касалликни шаклланишининг худудий механизмлари исботлаб берилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: тадқиқот натижалари ўпканинг сурункали обструктив касаллигининг (ЎСОК) аҳоли орасида барвақт аниқлаш ва беморларда тиббий – ижтимоий – иқтисодий йўқотишларни камайтириш имконини туғдирган; ЎСОКнинг тиббий – экологик картографияси яратилган ва бу, касалликка нисбатан “мўлжалли”, индивидуал скрининг ҳамда профилактикани осонлаштирган, такомиллаштирган ва кескин унумлаштирган, асоратларни камайтирган ҳамда шифо жараёнини тезлаштирган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали бўйича 23.11.2022 йилдаги №419 сонли буйруқ ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия илмий – амалий тиббиёт марказининг Андижон филиали бўйича 23.11.2022 йилдаги №421 сонли буйруқ ва Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 23.11.2023 йилдаги №420 сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган профилактика алгоритми ва комплекс ёндашувли скринингдан фойдаланиш ЎСОКни барвақт прогнозлаш, ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1) ЎСОКни оддий ва самарали бўлган эпидемиологик – сўровномали текширув усули орқали аниқланиши ва/ёки бошқа қўшимча ҳамда қимматбаҳо текширувлардан фойдаланмаслик ҳисобига иқтисод қилинган; 2) ЎСОК нафақат пулмонолог, балки бошқа мутахасислар (умумий амалиёт шифокори, тиббий бригада аъзолари, терапевт, эндокринолог, кардиолог ва б.қ.) томонидан ҳам осон ташхисланади, яъни унга махсус тайёрланган пулмонолог – шифокорнинг кераги йўқлиги исботланиб, ортиқча сарф харажатлар билан янги кадр тайёрлашни шарт эмаслиги ҳисобига иқтисод қилишга эришилган.

Хулоса: ишлаб чиқилган ЎСОКни аниқлашнинг эпидемиологик ва клиник – экологик тизими ушбу касалликнинг континууми билан боғлиқ талофотларни (бевақт ўлим, касалхонага такроран тушиш, давомли даволаниш, ногирон бўлиб қолиш, касбий малакани йўқотиш) 3 баробарга камайтирган ёки ҳар бир беморга сарфланадиган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни иқтисод қилишни уч мартага ошириш имконини берган. Ҳар бир бемордан ўртача 750000 минг сўмга етиб шифохонанинг бюджет маблағларини тежаб қолиш имконини берган.

Тажиббаева Лайло Рустамовнанинг «Водий шароитида ўпканинг сурункали обструктив касаллигини тарқалиши, фармакоэпидемиологияси ва профилактикасининг тиббий – экологик илмий асослари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашига 2023 йил 30 январдаги 8 и-з/61 - сон хат юборилган.

2 – ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Илмий янгиликнинг моҳияти: кўп йиллик эпидемиологик мониторингда ЎСОКни ташқи ва ички хатар омиллари аниқланган, ўзгариб бориши тенденцияларини Фарғона водийси шароитидаги ажралиб турадиган хос жиҳатлари исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: хатар омилларини эрта аниқланиши ва бартарафланиши ЎСОКнинг авжланиши ҳамда асоратланишини камайтирган, кечишини сезиларли хавфсизлантирган; шифохонага тушиш ва шифохонада ётиш кунини қисқартириб даво сифатини ва бирламчи, иккиламчи профилактиканинг самарасини оширган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шопилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали бўйича 23.11.2022 йилдаги №419 сонли буйруқ ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия илмий – амалий тиббиёт марказининг Андижон филиали бўйича 23.11.2022 йилдаги №421 сонли буйруқ ва Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 23.11.2023 йилдаги №420 сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ЎСОКни ўрганишда эпидемиологик усулни қўлланилиши орқали касалликни бошланғич bosқичида ташхислаш орқали касбий махоратни йўқотишни камайишига (85 %) эришилган ва меҳнат қобилиятини йўқотмасдан яшаш даражасини беморларда 25,0 фоизга ошириш имкони яратилган. ЎСОКни назорат қилиш сифати яхшиланган (90 %).

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: эпидемиологик мониторингда ЎСОК хатар омилларини барвақт аниқланиши ва назорати таъминланиши сабабли беморларни шифохонага тушишини кескин камайишига эришилган ва ёки беморнинг шифохонада қолиш муддатини қисқартириш имкони берилган. Натижада хар бир беморга шифохонани бюджет маблағидан 1 та ЎСОК билан беморда 470 мингдан 550 минг сўмгача, бюджетдан ташқариги маблағдан бўлса 200 минг сўмни тежаб қолиш/иқтисод қилиш имконини берган.

Хулоса: ЎСОКнинг хатар омилларини бошқариш ва назорат қилиш тизимини тўғри ўтказиш ишлаб чиқилиб жами бемор ҳисобига бюджет маблағларини 814 млн 550 000 сўмгача ва бюджетдан ташқари маблағларни эса 22 000 000 сўмга тежаб қолиш имкони берилган.

Тажибаева Лайло Рустамовнанинг «Водий шароитида ўпканинг сурункали обструктив касаллигини тарқалиши, фармакоэпидемиологияси ва профилактикасининг тиббий – экологик илмий асослари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашига 2023 йил 30 январдаги 8 и-з/61 - сон хат юборилган.

3 – ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Илмий янгиликнинг моҳияти: Фарғона водийсининг экологик тафсилотини ҳисобга олиб ЎСОКни хатар омилларига боғлиқлиги даражалари аниқланган ва касалликнинг худудий устуворлик қилувчи “кучли”, “ўртача” ва “паст” даражали таъсирини ўтказувчи патоген шароитлар исботланиб ҳамда изоҳланиб берилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: ЎСОКга олиб келадиган экологик омилларини баратарфлаш ёки камайтириш ЎСОК олди ва кейинги даврларида кузатиладиган ва ўлим сабабларига олиб келадиган ўпканинг ва ўпкадан ташқариги асоратларни камайтириш изоҳлаб ва исботлаб берилган. ЎСОК хавфини келтириб чиқарувчи экологик омиллар сифатида маҳаллий саноат ишлаб чиқаришнинг ноорганик, органик ва биологик табиатли зарарли

омиллари ажратилган, касалликнинг авжланиб бориб асоратланишига бевосита алоқадорликлари исботлаб ва изоҳлаб берилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали бўйича 23.11.2022 йилдаги №419 сонли буйруқ ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия илмий – амалий тиббиёт марказининг Андижон филиали бўйича 23.11.2022 йилдаги №421 сонли буйруқ ва Наманган вилояти кўп тармокли тиббиёт маркази 23.11.2023 йилдаги №420 сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: эпидемиологик экоскрининг негизида ишлаб чиқилган «Экопрофилактика дастури» ЎСОКни ахоли орасида барвақт аниқлаш ва даволаш ишлари самарасини 4 баробарга оширган, ташхисий самарадорликни 73 фоизга ордирган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1) ЎСОК билан беморни шифохонага тушиш сони 100% камайтирилган ва бу билан бюджет маблағлари хар бир бемор хисобига 470 мингдан 550 минг сўмгача иқтисод қилинган, умумий тадқиқотга жалб қилинса беморлар сонидан келиб чиқилса салкам 1 млрдга етиб иқтисодий самарадорликка эришиш имкони берилган. 2) беморларни шифохонадан ташқариги даври учун кетадиган бюджетдан ташқариги маблағлар (ташхисот ва даволаниш учун), ЎСОК тўлиқ назорат қилинганлиги учун, бир кунга хисобидан камайтирилган (1 кунга ўртача 200 000 минг сўмлик дори воситалари сарфланади).

Хулоса: экопатоген омилларни эрта бартараф этиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўлланилиши 1 нафар бемор хисобига бюджет ва бджетдан ташқариги маблағларни 750 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тожибоева Лайло Рустамовнанинг «Водий шароитида ўпканинг сурункали обструктив касаллигини тарқалиши, фармакоэпидемиологияси ва профилактикасининг тиббий – экологик илмий асослари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашига 2023 йил 30 январдаги 8 и-з/61 - сон хат юборилган.

4 – ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Илмий янгиликнинг мохияти: тадқиқотда илк бора Фарғона водийси учун ЎСОКнинг тиббий – экологик картографияси ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: тиббий – экологик картография оммавий қўлланишга тавсия қилинган. Унинг асосида тиббий фаолиятни кўрсатиш ЎСОКнинг “агрессияси”ни 3 баробарга етиб камайтириши исботлаб берилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали бўйича

23.11.2022 йилдаги №419 сонли буйруқ хамда Республика ихтисослаштирилган терапия илмий – амалий тиббиёт марказининг Андижон филиали буйича 23.11.2022 йилдаги №421 сонли буйруқ ва Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 23.11.2023 йилдаги №420 сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: водий шароитида 95% холларда ЎСОКни келиб чиқишини «экоифлосланиш» омилларига боғлиқ бўлиши исботланган. Асосий экоомиллар бўлиб холорорганик бирикмаларни, кремнийни, кадмийни ва органик чанглари атроф муҳитга 0,3 протсентдан то 1,0 протсентгача етиб ортиқ чиқарилиши изоҳланган ва исботланган «ЎСОКнинг тиббий – экологик картографияси» ишлаб чиқилган, натижада экопредиктив ва экопревентив фаолиятни амалга оширилиши даволаш ва профилактика жараёнини 95%га яхшиланган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1) ишлаб чиқилган хронобиологик, хронотерапевтик ва хронопрофилактик тавсиялар, дастурлар ЎСОКни келиб чиқиш хавфини 3 баробарга етиб камайтириб иқтисодий самара олишни хар бир бемор хисобига 1 млн 650 минг сўмга кўтариш имкони берилган (беморларни шифохонага тушишларини камайтириш хисобига); 2) шифохонагача босқичда ЎСОКни асосан даволаш ёки профилактика қилиш хисобига дори – дармон кам талаб этилган ёки умуман ишлатилмаган.

Хулоса: ЎСОКни экохронобиологик, экотерапевтик ва экохронопрофилактик дастур/тавсиялари касалликка нисбатан номақбул эпидемиологик шароитлар “туғдирадиган” ойлар хавфини мартда (13,2%га), апрелда (10,6%га) ва декабрда (10,4%га), жами 3 баробарга камайтириши исботланган. Бунинг натижасида 1 нафар бемор хисобига бюджет маблағларини 470 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни эса 160 мингдан 200 000 сўмгача тежаб қолиш имконини яратган.

Тожибоева Лайло Рустамовнанинг «Водий шароитида ўпканинг сурункали обструктив касаллигини тарқалиши, фармакоэпидемиологияси ва профилактикасининг тиббий – экологик илмий асослари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш буйича Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашига 2023 йил 30 январдаги 8 и-з/61 - сон хат юборилган.

5 – ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Илмий янгиликнинг моҳияти: водий шароитида ЎСОКни фармаконадзора тизими ишлаб чиқилган ва ушбу касалликнинг барвақт аниқлаш, даволаш ва профилактикасини янги алгоритми яратилган, уларнинг самарадорлиги исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: яратилган ишланмалар, тавсиялардан тиббиётнинг барча бўғинларида бирдай кенг фойдаланиш мумкинлиги исботланган. Ишловчан ЎСОК мониторингини ижтимоий, тиббий ва иқтисодий самарали таъминлаб берувчи экоэпидемиологик, профилактик,

хронобиологик, хронотерапевтик ва хронопрофилактик тизим ишлаб чиқилган. Бу тизимни камчиқимлиги, хавфсизлиги ва юқори самаралилиги, тиббий хизмат сифатини ЎСОКга нисбатан кескин кучайтириши исботлаб берилган. Фармакоэпидемиологик мониторинг тизими ишлаб чиқилиб, уни ЎСОК билан беморларда ҳаёт тарзи сифатини яхшилаши ва даволаш самарасини кескин ошириши исботлаб берилган. Ижтимоий – иқтисодий ва миллий аҳамият касб этувчи скрининг – профилактика дастури – алгоритми яратилган, у ЎСОКнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикасининг самарадорлигини кескин ошириш, давлат миқёсида ҳудудий дастурларни яратиш ва амалга ошириш учун имкониятлар туғдирган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика шопилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали бўйича 23.11.2022 йилдаги №419 сонли буйруқ ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия илмий – амалий тиббиёт марказининг Андижон филиали бўйича 23.11.2022 йилдаги №421 сонли буйруқ ва Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 23.11.2023 йилдаги №420 сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф қилинган инновацион ишланма, тавсиялар ва янги илмий натижаларни аҳоли орасида ЎСОКни донозологик босқичда барвақт аниқлашни кескин (100% га етиб) кўтаришга ва касаллик билан боғлиқ тиббий – ижтимоий – иқтисодий йўқотишларни 95% га камайтиришга имкон берганлиги исботлаб берилган. ЎСОКнинг фармакоэпидемиологик ва фармаконадзорат скрининги тизимини яратиб берилгани замонавий тиббиётнинг 4 – чи “оғир юки” бўлган ЎСОКни популятсия даражасида кескин камайишига имкон яратган. ЎСОКнинг “негизли фармакотерапияси”ни ятроген хавфини 100% га етиб барҳам бериш имкони ушбу тизимда яратилган ва исботлаб берилган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1) тавсия қилинган иш натижаларини амалиётга фаолият учун киритилиши ЎСОКнинг хатар омилларини барвақт аниқлаш, авжланиб кечишини олдини олиш, беморларнинг ҳаёт тарзи сифатини яхшилаш ва тиббиётнинг барча бўғинидаги даволаш муассасаларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни, фармакотерапия харажатларини 4 баробарга етиб камайтириш имконини берган; 2) фармакотерапевтик самара олишни 80% га оширган, ятроген хавф 100% га камайган ва даволаш – профилактика самараси 95 фоизга ошган; 3) иклимий омилларнинг ЎСОКга хавфини 3 баробарга этиб “тўсиш” имконияти берилган.

Хулоса: олинган илмий натижалар ЎСОК билан боғлиқ йўқотишларни водий аҳолисида 3 баробарга этиб камайтиради, донозологик ташхисотни 73% га самаралаштиради, даволаш жараёнини 4 баробарга яхшилади ва фармакотерапия хавфини 100% га бартарафлаш имконини беради.

Водийни фақат бир вилоятини марказий шифохонасида ЎСОКга сарфланадиган бюджет маблағларини 1 та бемор ҳисобига 550 минг сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни ўртача 200 000 сўмга камайтирилиши, ишнинг натижаларига кўра, имконияти туғдирилган ва/ёки бу исботлаб берилган. Популяция даражасида ҳисобланса бу самарадорлик кўрсаткичи миллиард сўмларни ташкил этади ёки шунча сўмга иқтисод қилиш имконини мазкур тадқиқот берган.

Тажибаева Лайло Рустамовнанинг «Водий шароитида ўпканинг сурункали обструктив касаллигини тарқалиши, фармакоэпидемиологияси ва профилактикасининг тиббий – экологик илмий асослари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашига 2023 йил 30 январдаги 8 и-з/61 - сон хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий 5 амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 4 та Республика илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги, ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўпканинг сурункали обструктив касаллигини замонавий тиббиётга тушираётган юқини бартарафлашда профилактик тиббиётнинг шахсийлаштирилган ёндошувлари**» деб номланган биринчи бобида ўпканинг сурункали обструктив касаллиги дунёнинг турли минтақаларида, аҳоли гуруҳларида ва муаъян ҳудуд ичида ҳам, тарқалиши частотаси, хатар омилларини аниқлаши ва устуворликлари бўйича тафовутланиб тавсифланади. Шунинг учун бу мазмундаги ҳар қандай тадқиқотлар, такрорланиб туришидан қатъий назар, қиёсланиб баҳоланиш ва илмий хулосалар чиқариш учун беқиёс аҳамият касб этишади. ЎСОК ривожланиши ва кечишининг минтақавий, этник ва гендерли замонавий тавсифларини аниқлаш бўйича манбалар базасини қилган таҳлилимиз ушбу илмий исботни тасдиқлаб кўрсатди. Уларни шарҳлаб баён қилишни илмий ва

амалий зарурият деб лозим топамиз. ЎСОКнинг замонавий «Эпидемиологик, патофизиологик ва клиник йўналиши»дан келиб чиқиб охириги йилларда даволаш имкониятлари сезиларли даражада ўзгарди, энг аввало – янги комбинирланган препаратларни пайдо бўлиши ҳисобга кўра.

ЎСОКнинг клиник – фармакоэпидемиологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда ҳам инновацион хулосалар қилинган ва фикримизча, уларга қараб ЎСОКга муносабат билдирилса ёки ўзгартирилса, касалликни аҳолига/жамиятга ва замонавий тиббиётга тушаётган юки камаяди, беморларга эса – иқтисодий аҳамият ҳам касб этиб фойда келтиради. Бу борада, биз 17 та халқаро миқёсда бажарилган ва салоҳияти юқори ҳамда аҳамиятли бўлган, ЎСОКни фармакоэпидемиологияси ва фармаконадзорагини такомиллаштиришга бағишланган тадқиқотларни ажратдик ва таҳлил қилиб чиқдик. Уларнинг асосий натижаларини баёни 1 – жадвалда келтирилган.

Адабиётлар шарҳида водий шароитида ўпканинг сурункали обструктив касаллигини тарқалиши, фармакоэпидемиологияси ва профилактикасининг тиббий – экологик илмий асослари мавзусининг долзарблиги ва мазкур диссертация тадқиқотини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.


Диссертациянинг «**Тадқиқотни тавсифи, материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган контингент – популяциянинг умумий тавсифлари ва тадқиқот усуллари ҳақида маълумот берилган.

Тадқиқот дизайни бўйича кузатувчи, ноэксперименталь, бир мартали, проспектив тусли, ретроспектив моҳиятли ва таҳлилли, экофармакоскринингли эпидемиологик текширув ҳисобланади. Унинг объекти сифатида Фарғона водийсининг катта ёшдаги Андижон ва Наманган жўғрофий экологик ҳудудлари аҳолиси ва ўпканинг сурункали обструктив касаллиги билан хасталанган беморлар популяцияси олинган. Объект популяция танловида узлуксиз танлаб олиш усули қўлланилди, у эпидемиологик тавсифи бўйича уюшмаган ва репрезентативлиги таъминланган аҳоли гуруҳидир. Бу энг машхур ва тавсия этилган, профилактик тиббиётда мутлақо тан олинган, замонавий дунё илм фанида қабул қилинган ва қўлланиладиган юқори самара берувчи услубий ёндашув бўлиб ҳисобланади [WHO, 2021; ema, EMA, PRAC, 2021; GOLD, 2021].

Бир мартали эпидемиологик тадқиқот Андижон шароитида амалга оширилди. Унинг объекти сифатида қишлоқ ва шаҳар аҳолиси, аёллар ва эркеклар, вилоятнинг 17 та тумани ва шаҳари даволаш муассасаларида кузатилган ЎСОК билан катта аҳоли популяцияси олинди.

Иккинчи проспектив эпидемиологик тадқиқот Наманган шароитида бажарилди. Унда 2010 – 2022 йилларда Республика шошилинич тиббий ёрдам **1 чи схема**. Тадқиқот схемаси илмий марказининг Наманган филиалида даволанишда бўлган ЎСОК билан $\geq 18 - 90$ ёшли эркек ва аёллар популяцияси объект қилиб олинди.

1 - чи схема. Тадқиқот схемаси



Учинчи проспектив экоэпидемиологик тадқиқот икки йил давомида Андижон популяциясида бажарилди. Унинг объекти сифатида Андижон вилоятининг туман ва шаҳар даволаш муассасаларида 2 йил муддат кузатилган катта ёшдаги эркак ва аёллар популяцияси, ЎСОК билан, олинди, Эко омилларни ўзгаришлари тенденцияси аниқланди ва баҳоланди, водий учун ЎСОКга нисбатан эпидемиологик вазият ифодаловчи ва прогнозлаш имкониятини тиббий – экология картографиясини тадқиқот натижалари яратиб бериш имкониятини туғдирди.

Тўртинчи эпидемиологик тадқиқот Наманган популяциясида амалга оширилди. Мохияти бўйича у 11 йиллик проспектив фармакоэпидемиологик мониторинг бўлиб, унинг объекти сифатида ≥ 18 – 89 ёшли эркаклар ва аёллар, Наманганнинг шошилич тез тиббий ёрдам филиалида 2010 – 2020 йилларда кузатилган ЎСОК билан аҳоли популяцияси олинди.

Тадқиқотда жами 2760 та аҳоли текширилди (Андижонда 1279 та, эркаклар 718 – 56,1 % ва аёллар 561 та – 43,8 %; Наманганда 1481 та, эркаклар 660 та 44,6 % ва аёллар 821 та 55,4 %). Ёшлари бўйича текширилган популяция куйидагича тавсифланади: ёшлар популяцияси (18 – 44 ёш) 11,5 %, етук

популяция (45 – 59 ёш), кекса ёшдаги популяция (60 – 74 ёш) 34,0 % ва қария ёшдаги популяция (75 – 89 ёш). Текширилганларнинг 98,9 % ини ўтирок (абориген) аҳоли ва 1,1 % ини келгинди аҳоли ташкил этади ($P < 0,0001$); аксарияти (66,8 % и қишлоқ аҳолиси) ва сезиларли кам қисми (33,2 %) шаҳарлик аҳоли бўлиб маълумотлилар 99,2 % ни, ижтимоий ҳолати қониқарлилар 74,5 % ни ва жисмоний меҳнат билан, шуғулланувчилар 79,7 % дан қайд қилинади.

